

Ўзида халкимизнинг эстетик идеаллари, эзгулик ва ёвузлик, садокат ва хиёнат хақидаги карашларини акс эттирувчи “Хурилико ва Хамро” достонининг турли вариантлари мавжуд. Шимолий Хоразм достончилик мактабининг асосчиси Ахмад бахшининг шогирди Турсунбой бахши Хоразм, Коракалпок ва Тошховуз вилояти аҳолиси орасида машхур. У достонларини ўзбек, коракалпок ва туркман тилларида куйлайди. Унинг репертуарида “Аваз”, “Ошик Гариб”, “Бозирюн”, “Хирмондали”, “Арабтаган”, “Гулрухпари” достонлари бор.

Биз куйида Турсунбой бахши ижросидаги “Хурилико ва Хамро” достони вариантини, худди шу достоннинг бошка 10 та вариантга кйёсан тахлил этамиз.

1. Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институтининг фольклор архиви 1681 ракамли “Хурилико ва Хамро” достони варианты. Бу вариант 1971 йилда Турсунбой бахши томонидан архивга жўнатилган. Мазкур нусха ёзув машинкасида ёзилган, 79 бет. Варақларда 39 сатрдан ёзув жойлашган.

Достоннинг бошка вариантларидан фаркли равишда насрий баён устунлик килади. Бундаги кизикарли айрим эпизодлар бошка вариантларда учрамайди. Ушбу вариантда жаъми 193 та шеърий парча берилган. Улар: 1 газал, 2 мухаммас ва колганлари мураббаълардан иборат.

2. Абу Райхон Беруний номидаги Шаркшунослик институтининг фонди 4206 ракамли кулёзма. “Хурилико ва Хамро” достони варианты. Достон хиж. 1305 (милодий 1886) йилда Мулла Нажмиддин томонидан кўчирилган.

Кулёзма 106 варақдан иборат, настаълик хати билан шикаста услубида кўчирилган. Хар саҳифада 16 мисрадан жойлашган. Ўрта Осиё ипак коғозида. Ўлчами: 20 x 12 см. Кўлёзмага яна Мажзуб Намангоний девони киритилган.

Достоннинг бу вариантининг Турсунбой бахши вариантдан мазмунан фарқи йўқ. Фақат айрим эпизодларнинг киритилиши ёки тушиб қолиши, мотивларнинг ишланишида намоён бўлади. Бу вариантнинг кагга қисмини шеърий баён ташкил этади.

3. Абу Райхон Беруний номидаги Шаркшунослик институтининг фонди 5030 ракамли кулёзма. “Хурилико ва Хамро” Достони варианты. Бу манба эса Сайкалий томонидан кўчирилган. У ҳам анъанавий сюжетлар асосида достонлар яратган шоирдир. Унинг каламига мансуб “Баҳром ва Гуландом”, “Тохир ва Зухро”, “Лайли ва Мажнун” достонларидан кейин юқорида зикр этилган достон ҳам кулёзмада берилган. Достоннинг бу вариантини хажми кичик, 36 варақ; ўлчами: 20 x 15 см. Хар каторда. 14 мисрадан ёзув жойлашган. Бу нусхада ҳам 2 мухаммас бўлиб, колган шеърлар мураббаъ. Достон сюжетида ўзгариш йўқ.

4. Абу Райхон Беруний номидаги Шаркшунослик институтининг фонди 1701 ракамли кулёзма. “Хурилико ва Хамро” Достони варианты. Манбада бу достон яна икки достондан

кейин берилган бўлиб, хажми 27 варақ. Настаълик хатида битилган. Яхши сакланган. Достон мазмунида ўзгариш йўқ. Бунда бир газал, бир мухаммас ва тўртликлардан иборат.

5. Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институтининг фольклор архиви 679 рақамли “Хурилико ва Хамро” достони варианты. Бу нусха 1930 йилда Хивада ислох этилган араб алифбосида ёзиб олинган. Кимдан ва ким томонидан эканлиги номаълум. Тўлик эмас. Шунга карамай, бошқа оғзаки, кўлёзма ва тошбосма вариантларда учрамайдиган эпизодлари билан ахамиятлидир.

6. Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти Хамид Сулаймон номидаги кўлёмалар бўлими, 2962 рақамли! тошбосма. Бу достон варианты 1907 йил Тошкентда Гуломия матбаасида чоп этилган. Сахифаларга расмлар ишланган. Хажми: 44 саҳифа. Бунда ҳам кўлёмза вариантлар каби назм кўп.

7. Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг фонди 5613 рақамли тошбосма. Достоннинг бу варианты тошбосма холида Козонда 1898 йилда чоп этилган. Хажми: 40 саҳифа. Юкорида келтирилган Тошкент тошбосмаси билан бир хил.

“Хурилико ва Хамро” достонининг таъкидланган ёзма вариантларидан ташкари халфа вариантлари ҳам мавжуд. У қиссахон халфалар томонидан кироат билан ўкилиб келинмоқда. Биз достоннинг Ханифа халфа, Гулканд халфа, Ниёзжон халфа вариантларини қиёсий ўрганганимизда, улар кўлёмза нусхаларга асослансада, муайян фарқлар борлиги аниқланди. Кўп эпизодлар қўшилганлиги ёки қайта ишланганлиги кузаталади. Баъзи шоирлик иқтидорига эга халфалар достонга ижодий импровизация асосида ёндошганлар. Бу айниқса, гурланлик Ханифа халфа вариантыда яққол кўзга ташланади. Унда достоннинг бошқа халфа вариантларида учрамайдиган бадиий пухта шеърлар берилган. Шунингдек, достон сюжетининг кўпгина анъанавий эпизодлари халфа томонидан ижодий қайта ишланган.

Достон версия ва вариантларининг қиёсий таҳлилидан келиб чиқадиган хулосалар шундан иборат:

Достоннинг версия ва вариантларининг ҳаммасида ҳам достоннинг асосий сюжета сакланган. Умумий гоё бир хил, тафовутлар у ёки бу мотивнинг ишланиши, айрим эпизодларнинг қўшилиши ёки тушиб қолишида намоён бўлади. У қитобқй нусха шаклида кўп тарқалган бўлиб, унинг бахшилар ва халфалар репертуаридаги талқинлари ўша ёзма манбаларни ижодий ўзлаштариш ва қайта ишлаш асосида вужудга келгандир.

Мазкур достондаги мавжуд ўзгаришларни шартли равишда иккига бўлиш мумкин.

1. Тасодифий, яъни механик тарздаги ўзгаришлар. (Бунга айрим эпизод ва деталларнинг тушиб қолиши ва уларнинг урин алмашиши натижасида юза га келган чалқашликлар қиради.)
2. Ижодий характердаги ўзгаришлар. (Бундай ўзгаришлар эпос поэтикасини текширишда, шунингдек, достоннинг бир сюжет иорасидаги индивидуал

хусусиятларини ўрганишда муҳим бўлиб, айтувчининг ижодкорлик ва ижрочилик маҳоратига, уларнинг дунёкараши ва эстеттик принципларига бориб такалади.)

Достоннинг барча версия ва вариантларини ўрганиш ва киёслаш шуни кўрсатдики, у ягона сюжет асосида тарқалган. Турсунбой бахши репертуаридаги оғзаки вариант, юкорида келтирганимиздай ижодий характердаги ўзгаришларга бой бўлиб, у достоннинг бошқа вариантларидан ҳам кўламининг кенглиги, деталларга бўйлиги, эпик мазмуннинг тўлаллиги, насрий қисмининг назмга караганда икки хисса кўплиги жихатидан ажралиб туради. Бундан ташқари, бу вариант образларнинг самимий мадх этилиши ва ижрочи бадий маҳоратининг юксак даражаси билан алоҳида диққатга сазовор бўлиб, бошқа вариантлардан устун туради.

Икболой Девонова